O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 14-fevral № 20 (3057) seshanba

Баркамол авлод – мамлакатимизнинг мустаҳкам таянчи

Президент Ислом Каримов раислигида 10 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлоддир. Зеро, эл-юртнинг келажаги бугун камолга етаётган ёшлар қўлида. «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир», деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида.

Ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлидаги давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан этиб белгиланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ёш авлодни юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва тафаккурга эга, айни пайтда соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган, жисмонан соғлом, руҳан тетик инсонлар этиб вояга етказишнинг самарали тизими ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, кучли ирода ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар этиб тарбиялашнинг бош омили, ўзбек спортининг келажаги, халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг асоси бўлган болалар спортини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Ислом Каримов Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта тажриба тўпланганини алоҳида қайд этди. Бугун юртимизда соғлом ва баркамол авлод вояга етаётгани, ўз истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон ареналарида улкан муваффақиятларни қўлга киритаётган кўплаб ёш спортчилар етишиб чиқаётгани спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

— Биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Чунки бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2011 йил 25 февралда бўлиб ўтган йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил этилди. Болалар спорти иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш, болалар спорти объектлари ва спорт залларини зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича ўтган йил давомида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

Мажмуа ёшлар билан гавжум

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор навқирон авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишида муҳим омил бўлмоқда. Жаҳон спорт майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ёш спортчиларимизнинг сафи тобора кенгайиб бораётир.

Қўқон шаҳрида 2011 йили фойдаланишга топширилган болалар спорт мажмуасида 672 нафар ўғил-қиз спортнинг 12 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи эвазига замонавий андозалар асосида барпо этилган мажмуада машғулот заллари, ёпиқ сузиш ҳавзаси, теннис корти, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ҳамда мини футбол майдонлари мавжуд. Ушбу спорт иншоотида бўш пайтини самарали ўтказишни истаган ёшлар кун сайин кўпаймоқда.

— Замонавий спорт мажмуаси биз учун катта туҳфадир, — дейди қўқонлик ёш гимнастикачи Мадина Жакбарова. — Бундай кенг имкониятлар биз, ёшларга куч-ғайрат, шижоат бағишлайди. Мажмуада гимнастика зали барпо этилгани шаҳримиз қизлари учун айни муддао бўлди.

Суратларда: *Қўқон шаҳридаги болалар спорт мажмуаси; Бадиий гимнастика мураббийси Гўзал Тешабоева ва ёш гимнастикачи Орзигул Умирова.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 529 йиллигига



— Фонд ташкил этилгандан бери дуёнинг ўттизга яқин мамлакатларига саёҳатлар уюштирдик, уларнинг натижаси ўлароқ қатор китоблар дунё юзини кўрди, — дейди суҳбатдошимиз, Бобур халқаро фонди раҳбари, Халқаро Бобур мукофоти лауреати Зокиржон Машрабов. — Бизнинг асл мақсадимиз Бобур ва бобурийлар изидан юриб, улар қолдирган бой илмий-маданий меросни ўрганишдир. Маълумки, Бирмада Бобурийлар сулоласининг сўнгги вакили — Баҳодир Шоҳ Зафар, Африка қитъасида Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратлари ётибди. Ал-Форобий Дамашқда, ал-Хоразмий Бағдодда, Али Қушчи Истанбулда дафн этилган. Ўтганларнинг руҳини шод этиш учун шарқона лойиҳа ишлаб чиқдик. Унга кўра, яқин йиллар ичида ватан тупроғидан олисда ётган буюк боболаримиз мақбараларини тиклашни ният қилганмиз.

Саодат соҳилин кўзлаб

— Бобурга оид бугунги тасаввурларни мустаҳкамлашда у ҳақдаги асарлар муҳим аҳамиятга эга. Сиз раҳбарлик қилаётган фонд шу туркумдаги асарларнинг чоп этилишига ҳомийлик қилаётир...

— Ҳали Ўзбекистонимизда бирор тарихий шахс ёки буюк олимнинг қомуси яратилган эмас. Салоҳиятли олимларимиз — Азиз Қаюмов, Ваҳоб Раҳмонов, Саидбек Ҳасанов, Ҳасан Қудратуллаев кабиларнинг изланишлари натижасида Бобур энциклопедияси якунига етказилмоқда.

Ўтган йили Америка сафарида бўлдим, у ердан ўнга яқин китоблар олиб келдик. Шулардан Анна Флора Стилнинг «Тож кийган дарвеш», «Ўн олтинчи аср бунёдкори», «Шаҳзода Бобур», «Тоғ шаҳзодаси», хуллас, инглиз тилида яратилган бу асарларнинг барчаси бобокалонимиз ҳақида экан. Истиқлол йилларида буюк аждодларимизни яқинроқ таниш, уларнинг пок номини ҳеч қандай ҳадиксиз айта олиш бахтига сазовор бўлдик.

Фонд ҳомийлигида инглиз адибаси Маргарет Румер Годен яратган «Гулбадан» романи (ўзбек тилига Холида Сўфиева таржимаси) чоп этилди ва китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Айни кунларда Рашбрук Уилямс қаламига мансуб «Ўн олтинчи аср бунёдкори» асари нашр арафасида.

(Давоми 4-бетда)

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгадир уқтириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Ислом КАРИМОВ

Касаба уюшма ташкилотларида давра суҳбати

Ижтимоий шериклик истиқболлари

Мамлакатимиз касаба уюшмалари фаолиятида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик муҳим аҳамият касб этади. Буни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан тузган келишув ва меморандумлари меҳнаткашлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этишда асос бўлиб хизмат қилаётганида кўриш мумкин. 2011 йилда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун имзоланган Бош келишув ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда жойларда имзоланаётган жамоа шартномалари ва келишувларига давр талабига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, мазмунан бойитилмоқда. Натижада, ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, жамоа шартномалари орқали кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоат назоратини кучайтириш каби йўналишларда тизимли ишлар йўлга қўйилди. ***Шу кунларда касаба уюшма ташкилотлари вилоят бирлашмаларида бўлиб ўтаётган «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуидаги давра суҳбатларида ўтган даврда бу борада эришилган ютуқлар ва келгусидаги вазифалар атрофлича муҳокама этилмоқда.***

БУХОРО вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган давра суҳбати доирасидаги фикрлар асосан «Аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалаларида ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўллари», «Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш ишларини молиялаштириш масалалари», «Ҳозирги босқичда банк тизими олдида турган вазифалар» каби долзарб мавзуларга қаратилди. Ушбу масалалар юзасидан вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Хайрулло Жўраев, вилоят молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шаҳобиддин Сатторов, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Санжар Фозилов ва бошқалар фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Давра суҳбати якунида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуд Исаев, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Бибиражаб Муҳамедова Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини тарғиб қилишни янада кучайтириш, келишувлар доирасида мавжуд муаммоларни ҳамкорликда ечиш имкониятлари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

НАВОИЙ вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида ҳам шу мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

Маълумки, мамлакатимиз касаба уюшмалари фаолиятида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик муҳим аҳамият касб этади. Бу Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан тузган келишув ва битимларнинг меҳнаткашлар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя этишда асос бўлиб хизмат қилаётганлигида намоён бўлмоқда. Вилоятимизда 2011-2013 йилларга мўлжалланган уч томонлама ҳудудий келишувдан келиб чиқиб жойларда имзоланаётган жамоа шартномалари ва келишувларига давр талабига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, мазмунан бойитилмоқда.

Давра суҳбатида ўтган даврда бу борадаги эришилган ютуқлар, галдаги вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечими хусусида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини тарғиб қилишни янада кучайтириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қамровли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Н.НУРМОНОВА, Навоий вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

САМАРҚАНД вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатида вилоят ҳокимлиги вакиллари, молия, банк, солиқ тизимидаги мутасадди раҳбарлар, жамоат ташкилотлари етакчилари иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда)

Жанубий Кореяда тажриба алмашдик

2-бет

ХМТ фаолиятига назар

3-бет

Сеулга учамиз, кейин Японияга

3-бет

Ishonch
2012-yil 14-fevral № 20 (3057)

Баркамол авлод — мамлакатимизнинг мустаҳкам таянчи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида ўнлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилди. 2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топшириқлар тўла бажарилди. 214 объект, жумладан 130 спорт иншооти, 19 сузиш ҳавзаси ва 65 болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Мамлакатимизда ҳар йили турли соҳаларда юзлаб янгидан-янги объектлар бунёд этилмоқда, аммо фарзандларимиз келажагига, уларнинг баркамол улғайишига хизмат қиладиган болалар спорти объектларини қуриш мазмун-моҳиятига кўра — алоҳида масала. Чунки бу ерда фарзандининг спорт билан шуғулланиб, ҳар томонлама соғлом улғаяётгани, фикрлаши, ақлий салоҳияти, жисмоний имконияти ошиб бораётганини кўрган ота-она борки, ўзини бахтли ҳис этади, ҳаётидан рози бўлиб яшайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур жамғарма тузилгандан буён 1400 дан зиёд замонавий болалар спорти объекти фойдаланишга топширилди. Бу эзгу ишга юртимиздаги қатор компания ва ташкилотлар, корхоналар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Йиғилишда «Ўзбекнефтгаз», «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзавтосаноат» компаниялари, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асакабанк» каби жамғармага ҳомийлик қилишда жонбозлик кўрсатаётган ташкилотлар номи алоҳида таъкидланди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган бу эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Бугун республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил ва қизларнинг сафи тобора кенгаймоқда, улар томонидан қўлга киритилган совринлар миқдори айниқса сўнгги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари кенг ва фаол иштирок этмоқда. Бир пайтлар юртимиз спортчилари фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бугун истиқлол фарзандлари — ёш спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритаётир.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 медалга (51 олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 медал (60 олтин) жамғарди. Сув спорти турлари билан шуғулланадиган ёшларимиз энг кўп медал олгани алоҳида эътиборга сазовор. Масалан, қорақалпоғистонлик Абубакир Узақбаев Сингапурда академик эшкак эшиш бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида олтин медални қўлга киритди.

Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш футболчиларимиз кўрсатган натижа ҳам таҳсинга лойиқдир. Ўсмирлар терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси қаторида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шунингдек, 2011 йилда моҳир спортчимиз Ришод Собиров Париж шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалга — иккинчи бор жаҳон чемпионлигига эришгани, Қаршининг «Насаф» жамоаси Осиё футбол конфедерацияси кубогини қўлга киритгани, дзюдо бўйича мутлақ вазн тоифасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлгани бугун ўзбек спортининг нақадар ривожланиб, юксалиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларга мезбонлик қилмоқда. Ўтган йили Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Happy Caravan» халқаро турнири муваффақиятли ўтказилди. Тошкентда шахмат бўйича икки жаҳон чемпиони — ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ва ҳиндистонлик Вишванатан Ананднинг ўртоқлик учрашуви юксак савияда ташкил этилди. Мазкур учрашув доирасида Вишванатан Ананд ёш шахматчиларимиз билан семинар-тренинг ўтказди ҳамда уларнинг истеъдод ва маҳоратини эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари спорт бугун юртимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланганини алоҳида қайд этди. Спортни таълим-тарбия билан мутаносиб равишда изчил ривожлантириш — бу биз танлаган йўлнинг ажралмас қисмидир.

Ёшларимиз орасида сузиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, дзюдо, бадиий гимнастика, футбол, мини-футбол, стол тенниси, кураш, юнон-рум кураши, бокс, енгил атлетика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмоқда.

Қизларни спортга жалб этиш, уларнинг оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидандир. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастурини амалга оширишда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда Ўзбекистонда саломатликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутадиган спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

Спортнинг нафис тури — бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш мақсадида бадиий гимнастикага мўлжалланган ўнлаб янги спорт мажмуалари бунёд этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий спорт иншоотларида бадиий гимнастика секциялари ҳамда клублари фаолияти йўлга қўйилди.

Қизларни спортга жалб этишда Хоразм, Бухоро, Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги кўрсаткичлар эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш, болалар спорти объектлари учун юқори малакали, профессионал аёл устоз кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётир.

Спорт объектларини мураббий кадрлар, айниқса мураббиялар билан тўлдиришга қаратилган ушбу амалий саъй-ҳаракатлар натижасида аёл спорт устозлари ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробардан кўпроқ ошди.

Қизларининг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, айни пайтда қадди-қомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини бугун ота-оналарнинг ўзлари қувонч билан таъкидлашмоқда. Қизларимизнинг мана шундай соғлом бўлиб улғайиши эртанги кунимизнинг, дунёга келадиган баркамол авлоднинг муҳим омилларидандир, деди Ислом Каримов.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада Ўзбекистон байроғини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Ҳар йили мазкур мусобақаларда кашф этилаётган юзлаб ёш спортчилар халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётир.

Спорт ёшларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бораётгани, минглаб йигит-қизлар спорт билан шуғулланишни кундалик вазифасига айлантиргани уларнинг жисмоний ҳолатига, саломатлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 2005-2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакат бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача ўсди, сурункали касалликларга чалинган болалар сони эса кескин камайди. Ўғил ва қиз болаларнинг ўртача бўйи ва вазни ошмоқда. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар орасида хизматга лойиқ деб топилганлар сезиларли даражада ортгани ҳам бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

2011 йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

— Болаларни 3-5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга, — деди Ислом Каримов. — Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди.

Юртимизда ўтган йилларда спорт мажмуалари бунёд этиш борасида улкан тажриба тўпланди. Бугун энг чекка ҳудудларда қад ростлаётган спорт иншоотлари ҳам халқаро талабларга тўла жавоб беради. Спорт мажмуаларининг деярли барчаси юртимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари билан жиҳозланмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда қарийб 30 замонавий корхонада спорт товарлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида болалар спорти иншоотларини жиҳозлашда ишлатиладиган 120 турдаги спорт ускуна ва анжомларининг 113 тасини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз спорт анжомларини ўзимизда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан бирга, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш, кўриниши болаларни ўзига тортадиган, қулай ва хорижникидан қолишмайдиган спорт инвентарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда болалар спорт иншоотларини қуриш, уларни жиҳозлаш борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг истиқболдаги фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очилов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ж.Акромов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА мухбири

Халқаро ҳамкорлик

Жанубий Кореяда тажриба алмашдик

Гулнора ЮСУПОВА,
Фарғона шаҳридаги «Деу Текстил Фарғона» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

«Деу Текстил Фарғона» масъулияти чекланган жамияти вилоятдаги энг йирик чет эл корхоналаридан саналади. Пахта хом ашёсидан калава ип, ип газлама ишлаб чиқарадиган ушбу корхона маҳсулотининг 90 фоизи чет элга экспорт қилинади.

Ишчи-ходимларнинг учдан икки қисмини аёллар, 80 фоизини ёшлар ташкил этади. Корхона цех ва бўлимлари тўлиқ компьютерлаштирилган. Айтиш лозимки, ходимларимиз энг замонавий йигирув ва тўқув дастгоҳларини қийинчиликсиз бошқармоқдалар.

Корхона касаба уюшма ташкилоти ходимлар учун ҳар тарафлама қулай, хавфсиз иш ўринларини ташкил этиш, уларнинг ишлаши ва дам олиши учун мукаммал шарт-шароит яратиш, манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва бошқа қулайликлар туғдириш борасида муттасил иш олиб бормоқда. Цех ва фабрикаларда тиббиёт, аёллар учун махсус хоналар мавжуд. Ишчи-хизматчилар бепул иссиқ овқат ва транспорт билан таъминланган. Ўтган йили шу мақсадларга 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Касаба уюшма қўмитаси йил давомида моддий қўмакка муҳтож ходимларга 11 млн. сўмдан зиёд ёрдам кўрсатди.

Касаба уюшма ташкилотимиз ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга катта эътибор қаратмоқда. Корхонада турли спорт мусобақалари ўтказиш, байрамлар муносабати билан тадбирлар ташкил этиш анъанага айланган. Мисол учун, футбол бўйича цех ва бўлимлар жамоалари ўртасида ўтказилган турнирга 4,5 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди.

Ишчиларимиз турли тадбирларда фаол қатнашмоқдалар. Жумладан, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан уюштирилган «Ўз касбининг устаси» кўрик-танловида жамоамиз аъзолари фаол иштирок этдилар. Тўқувчи Азиза Абдуғафурова ва йигирувчи Саодат Мирбобоева биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди. «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши жамоатчилик вакили» танловида эса калавалаш цехи ишчиси Маҳбуба Комилова биринчи ўринга муносиб деб топилди. Фабриканинг меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси эса «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши комиссия» танловида биринчи ўринга сазовор бўлди. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг соғлом ва ақлли бўлиб вояга етишига кўмаклашиш ҳам касаба уюшмасининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ўтган йили ёзги оромгоҳларда болаларни соғломлаштириш мақсадида уюшмамиз 8 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфлади. Ўқув йили бошланиши муносабати билан эса касаба уюшма қўмитаси ходимларнинг 853 нафар фарзандига салкам 20 млн. сўмлик ўқув анжомлари совға қилди.

Касаба уюшма ташкилоти ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолиятини замон талаби асосида ташкил этиш, уларни рағбатлантириш билан бирга, маънавий-маърифий ишларга ҳам жиддий муносабатда бўлмоқда. Масалан, цех ва бўлимларда ҳар жума «Маънавият куни» деб эълон қилинган. Дунёда ва юртимизда рўй бераётган воқеалар билан ходимларни таништириш, уларнинг ижтимоий, ҳуқуқий билимини ошириш борасида жиддий тарбиявий ишлар олиб борилади.

Ишчи-ходимларнинг сиёсий, маънавий савиясини юксалтириш, жаҳондаги бошқа турдош корхоналар фаолияти билан уларни таништиришга ҳам жиддий эътибор берилаяпти. Ўтган йили 7 нафар илғор ёш ишчи-хизматчи компания ҳисобидан Жанубий Кореяда бир ҳафта тажриба орттириб келди. Корхона делегацияси таркибига мен ҳам киритилдим. Ушбу мамлакатдаги қатор енгил саноат корхоналарида бўлдик. Касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан чуқур танишиб, уларнинг раҳбар ва фаоллари билан мулоқотда бўлдик. Касаба уюшма ташкилотлари ишлари юзасидан ўзаро тажриба алмашилди. Бу эса ҳар иккала тараф учун ҳам фойдали бўлди.

Касаба уюшма ташкилотларида

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан пойтахтимиздаги 7-клиник шифохонада «Кадрлар иши — долзарб масала» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда муассасаларда кадрлар билан боғлиқ камчиликлар ва уни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, ходимни ишга олиш ёки уни асоссиз равишда ишдан бўшатиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши ва уни тўғри қўллаш, меҳнат интизоми, меҳнат шартномаси, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ҳамда бошқа меҳнат шартлари тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизимдаги бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда ҳисобчилари учун ўқув-семинар ташкил этди.

Унда ҳисоб-китоб юритиш ва етакчи масъулияти, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг мавзуга оид қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига 2012 йилда киритилган ўзгартишлар тўғрисида маърузалар тингланди.

Ўқув-семинарда қатнашчилар мавзу доирасида ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят диагностика марказида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги Президентимиз маърузаси юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Шунингдек, корхоналарда меҳнат муҳофазаси, жамоа шартномалари тузиш, меҳнат қонунчилиги асосида иш юритиш каби масалаларда ўқув машғулотлари ўтказилди.

Ижтимоий шериклик истиқболлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шерали Йўлдошев, вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича котибият мудири:

— Касаба уюшмалари том маънода меҳнаткаш халқ ташкилоти саналади. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам ушбу ташкилотнинг ҳиссаси катта. Ҳар бир меҳнат жамоасида мўътадил муҳит, меҳнатга онгли муносабат касаба уюшма фаоллигига боғлиқ.

Ҳасан Норбеков, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими кенгаши раиси:

— Бир неча йилки касаба уюшмалари билан «Энг намунали оила», «Энг намунали маҳалла», «Энг намунали кўча» кўрик-танловларини ўтказиб келмоқдамиз. Мустаҳкам оила йилида бундай тадбирлар салмоғини янада оширишни мўлжаллаб турибмиз. Яширишга не ҳожат. Кўпгина раҳбарлар қонунни мукаммал билишмайди. Оқибатда меҳнат муносабатларида зиддиятлар юзага келаяпти. Бундай чоғда касаба уюшмалари ҳамиша ёрдамга ҳозир.

Абдувоҳид Шаропов, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи:

— Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари билан 2011-2013 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз. Вилоятимизда ташкил этилган янги иш ўринлари асосан қишлоқ жойларга тўғри келади. Ёшларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Айниқса, коллежларни битираётган ёшларнинг иш ўринлари кафолатланаяпти. Бунда ҳамкорликда ташкил этилган «Устоз-шогирд» тизими яхши самара бераяпти.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Айрим ташкилотлар ишга қабул қилишда қонунни четлаб ўтишга интилади. Аксарият ҳолларда меҳнат шартномасини имзолашдан ўзларини олиб қочишади. Масалан, қурилиш ташкилотларидаги ҳужжатларда бешолти кишини ишчи деб расмийлаштиришади-ю, аммо юзлаб одамларни қурилиш ишларига жалб этишади. Норасмий ишчилар кимнинг ҳимоясида бўлади?

Қаюмжон Собиров, Марказий банк вилоят бошқармаси бўлим мудири:

— Янги иш ўринлари яратиш, иш жойларини модернизация қилиш, ускуналар ўрнатишда турли тижорат банклари томонидан етарлича маблағ ажратиб келинмоқда. Масалан, банкротга учраган Самарқанд чинни заводи банклар кўмагида қайтадан тиклади.

Давра суҳбатида ҳудудларда ечимини кутаётган муаммолар, таклифлар атрофлича муҳокама қилинди. Ўртага ташланган масалалар юзасидан тегишли ташкилотлар мутасадди вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Томорқа — кони фойда

Тўкинчилик ўзимизга ҳам боғлиқ

Қўчқор ТАҚАБОЕВ,
Жиззах политехника институти касаба уюшма қўмитаси раиси

Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳаларда кўплаб ютуқларга эришилди. Қувонарли томони шундаки, халқ фаровонлигини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий ҳимоя каби масалаларга кенг эътибор қаратилди ва бу эътибор бугун ўз натижасини бермоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республика аҳолисига Мурожаати Ўзбекистоннинг барча аҳолиси каби Жиззах политехника институти жамоасини ҳам ушбу йўлда янги-янги чўққилар сари илҳомлантирмоқда.

Ҳудудимизда турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилган бўлиб, бу жамоамиз дастурхонини янада тўкинсочин қилмоқда. Институтда экилган мевали ва манзарали кўчатлар қатор орасига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экилмоқда.

Ўтган йили сабзи, картошка, тарвуз, лавлаги, помидор, бақлажон, буғдой, карам, бодринг, шолғом, турп, мош ва институт иссиқхонасида етиштирилган ҳар хил шифобахш кўкатлар жамоа аъзоларига арзонлаштирилган нархларда тарқатилди. Жумладан, профессор-ўқитувчи ва ходимлар учун байрамолди озиқ-овқат ярмаркаси ташкил этилди. Етиштирилган маҳсулотлар бозор нархларига нисбатан 30 фоиз арзонлаштирилган ҳолда сотилди.

Томорқа — кони фойда. Буни англаган жамоа аъзолари ердан янада унумли фойдаланиш чораларини кўрмоқда, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бўйича амалий фаолиятни тобора кучайтирмоқдалар.

Ушбу саволга Миробод тумани Ижтимоий таъминот бўлими инспектори Комил ТОШОВ жавоб беради.

? ***Нафақага чиқиш учун корхонамиз раҳбариятига ариза билан мурожаат қилсам, «Ҳужжатларингизни тайёрлаб келинг» дейишди. Соғлигим ёмонлиги туфайли идорама-идора юролмайман. Кимга мурожаат қилишим керак?***

Н. ХОЛБОЕВА, Тошкент шаҳри

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унга кўра ташкилот маъмурияти ҳар йили декабр ойида шахсий варақчалар ва меҳнат дафтарчалари асосида кейинги йилда умумий ёки имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладиган ходимлар рўйхатини тузади.

Рўйхатга киритилган ходимларга нисбатан ташкилот маъмурияти пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни олдиндан тайёрлашга киришади. Зарур бўлганда ташкилот маъмурияти етишмаётган ҳужжатларни сўраб олиш чораларини кўриши керак.

Маъмурият тўпланган барча ҳужжатлар асосида пенсия тайинлаш учун тақдимномани расмийлаштиради.

Маъмурият ходим пенсия ёшига етган кундан кечиктирмай унинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганлигини билдиришга мажбур.

Ходим пенсия тайинлаш тўғрисида ариза берган тақдирда ташкилот маъмурияти мазкур ариза рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида зарур ҳужжатларни ва тақдимномани тўлиқ расмийлаштиради ва ариза берувчини улар билан (тақдимномага имзо қўйдирган ҳолда) таништиради.

Ҳужжатлар ва тақдимнома ходимнинг аризаси билан бирга ариза берувчининг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига юборилади. Ташкилот маъмурияти пенсия тайинлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тўплай олмаган ҳолларда Пенсия жамғармаси бўлимига бор ҳужжатлар топширилади, етишмаган ҳужжатлар эса тегишли муддатларда қўшимча равишда тақдим этилади.

Агар ходимга пенсия тайинлаш рад этилган бўлса, бу ҳақда унга рад этиш сабаблари кўрсатилиб, ёзма равишда хабар берилади. Пенсия сўраб мурожаат қилган киши маъмурият қароридан норози бўлса, у пенсия тайинлаш тўғрисида аризани яшаш жойидаги Пенсия жамғармасига бевосита бериши мумкин.

Афсуски, бугун пенсия тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг кўпчилиги яшаш жойидаги Пенсия жамғармасига бевосита ариза топширишмоқда. Бунга сабаб ташкилот маъмуриятининг ходимлар билан ишлаш бўлими мутахассислари тўпланган барча ҳужжатларни вақтида ходимнинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармасига топширмаяпти.

? **1980 йили билим юртини тугатиб туман Марказий касалхонасининг шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимига фелдшер вазифасига ишга кирганман. 21 йил мобайнида шу бўлимда фаолият юритдим. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?**

Қ. ХОЛМУРОТОВ, Хонқа тумани

Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йили 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 1, 2 ва 3-рўйхатларда назарда тутилган ишларни бажариш билан банд бўлган ходимлар эга бўладилар.

3-рўйхатнинг VIII-бўлимидаги 5 йил олдин яъни имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқариш, муассаса, иш, касб, лавозимлар рўйхатига 2010 йили декабрда ўзгартиришлар киритилган бўлиб, ушбу рўйхатда тез тиббий ёрдам муассасалари назарда тутилмаган.

З. АЛИЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича бош мутахассиси

Касаба уюшма етакчилари учун

Мамлакатимиз мустақилликнинг илк йилларидаёқ, яъни 1992 йил 13 июл куни Халқаро Меҳнат Ташкилотига аъзо бўлиб кирди. ХМТнинг Устави 1919 йил 28 июнда Версалда қабул қилинган бўлиб, кейинчалик бир неча марта ўзгартишлар киритилган. Маълумки, дунёда норозилик келтириб чиқарадиган, фуқаролар ўртасида аҳилликка хавф туғдирадиган меҳнат шароитлари учраб туради. Шу боис ХМТ нинг фаолияти энг юқори иш ҳафтаси, иш куни, кишининг ҳаётий эҳтиёжини таъминлайдиган кафолатли иш ҳақи, инсонни ишсизликдан, касб касалликларидан ҳимоя қилиш ва шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

ХМТ фаолиятига назар

ХМТ:

а) Вакиллар Бош Конференцияси, Ташкилот аъзолари;

б) Кенгаш маъмурияти;

в) Кенгаш маъмурияти раҳбарлигидаги Халқаро меҳнат бюросидан иборат. Халқаро меҳнат ташкилоти аъзолари вакилларининг Бош конференцияси йилда камида бир марта чақирилади. Ҳар бир аъзо мамлакатдан 4 нафар вакил (шундан 2 нафари ҳукумат делегати, бир нафари тадбиркор, бир нафари оддий ходим) таклиф этилади. Ҳар бир делегатнинг маслаҳатчиси бўлиши, кун тартиби хотин-қизлар муаммоларига алоқадор бўлса, маслаҳатчилардан бири аёл киши бўлиши мумкин. Ҳар бир делегат Конференция кун тартибига қўйилган масала юзасидан якка тартибда овоз беришга ҳақли. Мабодо Ташкилотнинг бирор аъзоси ҳуқуқи бўла туриб, ноҳукумат делегатларининг иккитасидан бировини тайинламаган бўлса, бошқа ноҳукумат делегати Конференцияда қатнашиши ва сўзга чиқиши мумкин, аммо овоз беришга ҳақли эмас. Конференция чақириш жойи белгиланмаса, у Маъмурий Кенгаш томонидан белгиланади. Халқаро меҳнат бюросининг жойлашиш ўрни Конференцияда делегатларнинг учдан икки қисмининг овози билан ҳал қилинади. Маъмурий Кенгаш 112 ўриндан иборат:

— ҳукумат вакиллари учун эллик олти ўрин;

— тадбиркорлар вакиллари учун йигирма саккиз ўрин;

— ходимлар вакиллари учун йигирма саккиз ўрин. Маъмурий Кенгаш уч йил муддатга сайланади. Маъмурий Кенгаш ўз таркибидан раис ва икки ўринбосарни сайлайди, улардан бири — ҳукумат, бири — тадбиркор, бири ходим вакилидан иборат бўлади. Маъмурий Кенгаш мажлислар ўтказиш вақтини ўзи белгилайди. Унинг махсус сессияси ўттиз икки Маъмурий Кенгаш аъзосининг ёзма талаби билан ҳам чақирилиши мумкин. Халқаро Меҳнат Бюросига Бош Директор раҳбарлик қилади. Уни Маъмурият Кенгаши тайинлаб, Халқаро меҳнат конференцияси тасдиғига киритади. Йўриқномаларга асосан Бош Директор Бюро ишининг самарадорлиги, унга топширилган бошқа вазифаларнинг бажарилиши учун масъулдир. Бош директор ва унинг ўринбосарлари Маъмурий Кенгаш мажлисларида иштирок этадилар. Халқаро Меҳнат Бюроси девони Маъмурий Кенгаш тасдиқлаган қоидаларга биноан Бош Директор томонидан тайинланади. Ишнинг самарадорлигини ошириш учун Бош Директор турли миллат вакилларини танлайди. Уларнинг маълум миқдори аёллар бўлиши лозим. Бош Директор ва Бюро девони вазифалари халқаро аҳамиятга молик бўлади. Улар фақат Ташкилот олдида масъулдирлар. Халқаро Меҳнат Ташкилоти, лозим топса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан молия ва бюджетга оид келишувлар тузиши мумкин. Қайд этиш керакки, Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Конференция ва Маъмурий кенгаш мажлисларига ўз вакилларининг келиб-кетиш каби харажатларини ўзи қоплайди. Бошқа харажатлар эса ХМТнинг умумий бюджетидан қопланади. Бош Директор Конференция Бош котиби сифатида ҳаракат қилади. Конференция очилишига 4 ой қолганда кун тартиби жойларга жўнатилади. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзо ташкилоти кун тартиби юзасидан эътироз билдириши мумкин. Конференцияда бу овозга қўйилади. Агар делегатларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берса, кун тартиби ўзгартирилмай қолдирилади. Конференция ўз процедурасини ўзи белгилайди. Учдан икки овоз билан Конвенция ёхуд тавсиялар қабул қилинади. Конвенция ёхуд тавсиялар икки нусхада Конференция раиси ва Бош Директор томонидан имзоланади. Нусхалардан бири Халқаро Меҳнат Бюроси архивида сақланади, бир нусхаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига юборилади. Нусхалари Ташкилот аъзоларига жўнатилади. Улар Конвенцияни ратификация қилишлари, тавсияларни миллий қонунчиликларида ифодалашлари мумкин.

Таҳририятдан: газетамизнинг келгуси сонларида ХМТнинг Ўзбекистон қўшилган Конвенциялари ҳақида маълумотлар бериб боришни режалаштирганмиз.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Дунё касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидан

1800 та иш ўрни қисқартирилади

Дунёнинг телекоммуникацион технологиялар ишлаб чиқарувчи йирик компанияларидан бири «Alcatel-Lucent» ўзининг Европадаги корхоналарида 1800 та иш ўрнини қисқартиришни режалаштирмоқда. Қисқартиришда баъзи иш ўринлари бутунлай тугатилса, баъзилари аутсорсинг (хорижий меҳнат манбаларини вақтинча ёллаш) шаклига ўтказилади.

Компания касаба уюшмасининг маълумот беришича, қисқартирилаётган иш ўринларининг 450 таси Францияга, яна шунчаси Италияга, қолган 900 таси эса Европанинг бошқа мамлакатларига тўғри келади. Лекин, компания матбуот хизматининг хабар қилишича, ишчи-ходимлар таркибидаги бу ўзгаришлар ишдан бўшатишни эмас, иш ўринларини «алмаштиришни» кўзда тутади. Касаба уюшмалари келтирган юқоридаги рақамларга эса матбуот хизмати вакиллари бирор изоҳ бермади.

Янги китоб тақдимоти



Халқаро меҳнат ташкилотининг Москва шаҳридаги минтақавий бюросида меҳнат ва касаба уюшмалари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари тўғрисидаги «Меҳнат ва касаба уюшмалари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро механизмлардан фойдаланиш» номли китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Хабар қилинишича, ушбу китоб Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда Россия меҳнат Конфедерацияси ҳомийлигида мамлакат ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқлари Маркази томонидан нашрга тайёрланган бўлиб, бу ишга соҳа экспертлари ҳамда илмий ҳамжамият мутахассислари бевосита жалб қилинган.

Китоб беш қисмдан иборат бўлиб, унда меҳнат ҳамда бирлашув эркинлиги ҳуқуқи ҳимоясида халқаро механизмлардан фойдаланиш батафсил ёритилган. Жумладан, бундай механизмларга қуйидагилар мисол қилиб келтирилган — Халқаро меҳнат ташкилотига мурожаат, Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича Европа суди, аёллар ҳуқуқининг камситилиши (дискриминация)га чек қўйиш Қўмитаси ва бошқалар.

Парвозлар бекор қилинди

Испаниянинг «Iberia» авиакомпаниясида учувчиларнинг раҳбариятдан норозилиги туфайли режадаги парвозлар бекор қилинди.

Маълум бўлишича, раҳбариятнинг авиакомпания қошида янги, арзон нархларда хизмат кўрсатувчи «Iberia Express» авиакомпаниясини очиш тўғрисидаги қарори учувчиларнинг норозилигига сабаб бўлган. Авиакомпания касаба уюшмаларининг фикрига кўра, янги компаниянинг очилиши учувчилар ойлик маошининг камайишига сабаб бўлади.

Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади

«FARGONA MULK MARKAZI» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Марғилон банк коллежининг 2012 йил 2 февралдаги 11-сонли алоқа хатига асосан, коллеж балансидаги Марғилон шаҳар, Эшонгузар кўчаси, 123-«а» уйда сақланаётган «Дамас» русумли, 1993 йилда и/ч, д/р 40 643 ДАА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 260 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 15 март куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 14 март куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 14 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 27 март куни соат 15.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 27 мартдаги такрорий савдо учун 2012 йил 26 март куни соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «FMM» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО 00497, СТИР 302134194.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Марғилоний кўчаси, 35-уй. **Телефон:** (8-373) 224-68-69. www.rmm.uz.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YOAJ
«Poytaxt filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Республика ўқув-услубий, норматив-инжиниринг маркази «Ўзкоммунҳўжатташкилотчи»нинг 2012 йил 1 январдаги 014-1/027А-сонли хатига асосан, Республика ўқув-услубий, норматив-инжиниринг маркази «Ўзкоммунҳўжатташкилотчи»га тегишли, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уйда сақланаётган «ГАЗ-3102» русумли, д/р 01 634 LBA бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 400 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 19 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 19 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 5 апрел ҳамда 20 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» YOAJ «Toshkent mintaqaviy filiali»нинг ОАИКБ «Ипак йўли» Соғбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО 01036, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уй. Телефон: 233-20-96, www.rmm.uz.

Мулкдорлар диққатига! Сиз учун имконият.

«Respublika mulk markazi» YOAJ Сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автомототранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Respublika mulk markazi» YOAJнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«Respublika mulk markazi» YOAJ
Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

«FARGONA MULK MARKAZI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

«Ishonch» газетанинг 2012 йил 14 январ кунги 7(3044) сонида берилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган қуйидаги автотранспорт воситаларини аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қиламиз!

1. «Асакабанк» ОАЖ Олтиариқ филиали балансидаги, «Тико» русумли автотранспорт, д/р 40 311 ВАА, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси.

2. Фарғона солиқ коллежи балансидаги «Дамас» русумли автотранспорт, д/р 40 027 ЕАА, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Асос: «Фарғона солиқ коллежи»нинг .2012 йил 2 февралдаги 036-сонли алоқа хати.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғилоний кўчаси, 35-уй.
Тел: 8-373-224-68-69. www.rmm.uz.

спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт

Футбол

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан ойнинг энг яхши мураббийи ҳамда футболчиси аниқланди. Сўровнома ҳар ойнинг охирида ОАВ ходимлари ўртасида ўтказилади.

Ойнинг «энг яхши»лари



Январ ойи якунларига кўра миллий ва олимпия терма жамоалари бош мураббийи Вадим Абрамов 10 та овоз билан «Ойнинг энг яхши мураббийи» деб топилди. Унга рақобатчилик қилган «Бунёдкор» бош мураббийи Миржалол Қосимов 7 та овоз тўплади.

«Ойнинг энг яхши футболчиси» номинациясида «Насаф» клуби ва олимпия терма жамоа ҳужумчиси Кенжа Тўраев ғолибликни қўлга киритди. У ҳам устози каби 10 овозга эга бўлди.

Ана холос!

Яқинда Австралия олимпия терма жамоасини 2:0 ҳисобида енгиб, ўз гуруҳида 8 очко билан 1-ўринни ҳар жиҳатдан ўзиники қилган терма жамоамиз аъзоларига FIFA томонидан ажойиб «совға» тақдим этилди.

Ёдингизда бўлса, гуруҳимизда Лондон Олимпиадаси йўлланмаси учун курашаётган Ироқ ва БАА жамоалари ўртасидаги биринчи давра учрашувида ироқликлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонган эди. Аммо амирликлар FIFAга рақиб жамоа таркибида иккита сариқ карточкаси бор Яссим Файсал ўйинга тушганлиги тўғрисида шикоят қилишди. У бу карточкаларни Эрон ва Австралия олимпия жамоаларига қарши кечган учрашувларда орттириб олганди.

Мазкур ҳолатни текшириб кўрган FIFA БААни ҳақ деб топди ҳамда Ироққа 3:0 ҳисобида техник мағлубият ёзди. Бундан ташқари, ироқликлар 7600 АҚШ доллари ҳисобида жаримага ҳам тортилди.

Натижада «В» гуруҳида якка пешқадамлик қилаётган вакилларимизга Бирлашган Араб Амирликлари очколар ҳисобида ҳам, тўплар нисбатига кўра ҳам етиб олди. «Кенгурулар» 3 очко билан 3-ўринда бораётган бўлса, Ироқ ҳисобида 1 очко қолди. Кўриб турганингиздек гуруҳда вазият янаям чигаллашди.

Бу борада ўз фикрларини баён этган миллий ва олимпия терма жамоалари бош мураббийи Вадим Абрамов бундай ҳолат биринчи марта бўлмаётганини, ҳатто янги-янги «совғалар» бизни кутиб турган бўлиши мумкинлигини ҳам айтиб ўтди. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам йигитларимиз охиригача кураш олиб бориши ҳамда жамоа кайфияти аъло даражада эканлигини алоҳида таъкидлади.

Сеулга учамиз, кейин Японияга

Ўзбекистон футбол федерациясидан хабар қилишича, миллий терма жамоамиз 22 февралда Жанубий Корея пойтахти Сеулга жўнаб кетади.

25 февралда эса Жанубий Корея терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказилади. Беллашувдан сўнг футболчиларимиз 26 февралда Япония сари йўл олади.

Эслатиб ўтамиз, 2014 йилда Бразилияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўлланмаси учун учинчи саралаш босқичида кураш олиб бораётган жамоамиз 29 февралда Япония билан ўз гуруҳидаги сўнгги учрашувни ўтказади. Бу ўйин «С» гуруҳида ким биринчи ўринни қўлга киритишини аниқлаб беради.

Тоғ чанғиси

Тезроқ сирпан, ғолиб бўл

Тошкент вилоятида тоғ чанғиси бўйича старт олган Ўзбекистон кубоги якунланди.

Бир-бирига муносиб рақиблик қилган спортчилар иштирокида ўтказилган мусобақанинг «слалом» беллашувлари кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Эркаклар ўртасида биринчи ўринни мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси Антон Воронов эгаллади. Яна бир тажрибали спортчимиз Дмитрий Бабиков кумуш медални қўлга киритган бўлса, Сафар Эгамбердиев учинчи поғонадан жой олди.

Аёллар ўртасида олтин медал Ксения Григоревага насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Гулиза Гаюпова ҳамда Оксана Зуева эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олган спортчилар терма жамоамиз сафида Италия, Россия ва Туркияда ташкил этилаётган халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Теннис

Жуфтлик йўлга тушди

Теннисчи қизимиз Оқгул Омонмуродова Таиланднинг Паттайя шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасидаги халқаро турнирнинг жуфтлик беллашувларида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Япониялик Кимико Дате-Крумм билан ҳамкорликда учинчи рақамли дуетни ташкил қилган ҳамюртимиз дастлабки баҳсда словениялик Андрея Клепак ва россиялик Анастасия Пивоварова устидан (3:6, 7:6, 10:4) зафар қучди.

Волейбол

Тошкентда волейбол бўйича ёшлар (қизлар) ўртасида биринчи Ўзбекистон чемпионати бошланди. Мусобақада саккиз жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

Биринчи старт

Ўйинлар айланма тизимда ташкил этилган бўлиб, биринчи босқич пойтахтимизда ўтказилса, иккинчи босқич беллашувлари Наманганда ташкил этилади.

«А» гуруҳида Тошкент шаҳри спортчилари Самарқанд вилояти волейболчиларига ҳеч қандай имконият қолдирмай 3:0 ҳисобида енгган бўлса, Тошкент вилояти вакиллари эса хоразмликларга худди шу ҳисобда имкониятни бой берди. Кейинги даврада пойтахтликлар Тошкент вилоятини мағлуб этишди — 3:0. Мусобақага яхши тайёргарлик кўрганлигини исботлаган Хоразм вилояти ёшлари самарқандликларга бирорта ҳам партияни бой беришмади — 3:0.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири

Ishonch
2012-yil 14-fevral № 20 (3057)

Китоб жавонингизга

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳали босмахонанинг ҳиди кетиб улгурмаган «Қуёшга бўй чўзиб» («Sharq» НМАК, Тошкент — 2012) номли ушбу ихчам китобдаги айрим ҳикоялар муштарийларимизга аввалдан таниш. Чунки касаба уюшма тизимида узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган Нур Муҳаммад фаол муаллифларимиздан. Бир гал суҳбатлашганда унинг кўнгил одами экани, гап ўзани оғриқли нуқталарга келганда юз ифодасидан ўзгалар ғамини-да елкалаб олишига гувоҳ бўлганман.

Ҳаётий ҳикоялар

У қаламга олган воқеа-ҳодисалар ҳар биримизга таниш, ҳатто қайсидир қаҳрамонлар ҳаёти билан яшаш тарзимизда жуда кўп ўхшашлик бўлиши мумкин. Шу боис ҳам яхшилик ва ёмонлик, оқ ва қора ўртасидаги абадий кураш жараёни ҳақидаги соддаю, таъсирли ҳикояларни ўқиётиб беихтиёр қайси сўқмоқда кетаётганингиз ҳақида ўйлаб қоласиз. Азим шаҳардан бориб, бутун бошли қишлоқнинг содда ва улуғ одамларини неча кунлаб оғзига қаратиб, энг савобли ишларни ўзиники қилиб кўрсатиб, тўн кийишиб дўст бўлишдай улуғ анъаналарга мийиғида кулиб қараган Шокир («Гул йигит»), эр бўлиб эркак бўлолмаган, гулдай аёлнинг кўнгил қасрини барбод қилган Шуҳрат («Қуёшга бўй чўзиб») сингари образлар ҳаётда сергакроқ бўлишдан сабоқ беради. «Ташхис»нинг қаҳрамони ҳақида эса, бирданига хулоса чиқара олмайсиз. Ахир Зокир Шуҳратович нима қилсин? Ҳаётнинг қайсидир бандида хато қилганини ўзи ҳам сезади. Унинг хатти-ҳаракатлари тасвири табиий, ишонарли. Алининг аламини Валидан олиш ҳоллари ҳам кўпчиликка нотаниш эмас.

Қаҳрамонлардан бири, Шуҳратнинг хотини Мўътабархон айнан ҳокисорлиги туфайли мудом рўшноликдан йироқ, алданишга маҳкум. Шунинг учун ҳам ким биландир дардлашишга, бир тиргакка эҳтиёж сезади ва ўзи истамасада, бошқа бир эркак ҳақида хаёл суришдан тийила олмайди. Шундай бир вазиятда чинор соясида қолиб кетган ниҳол билан боғлиқ ҳодиса унга далда ва юпанч беради.

Нур Муҳаммад асарлари юзасидан бадиий талаблар доирасида ўртага чиқадиган баъзи жузъий нуқсонлар (масалан, баённга берилиш сингари) жиддий эътирозга сабаб бўлолмайди. Зеро, у ёзувчиликни даъво қилмайди. Ёзганлари эса моҳиятан ҳар биримизни, энг аввало, инсон бўлиб яшашга даъват этади.

Саодат соҳилин кўзлаб

(Давоми. Боши 1-бетда)

1947 йили немис ёзувчиси Харолд Лемб «Бобур — йўлбарс» номли асар ёзган. Бу китоб инглиз тилида «Фарғоналик шаҳзода» сарлавҳаси билан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган. Биз шу асарнинг аслини топиб, «Андижонлик шаҳзода» дея таржима қилдик ва «Ўқитувчи» нашриётига топширдик.

Бобур ҳамда Мир Алишер ҳазратларининг замондоши тарихчи Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асари таржимаси ҳам якунланиб қолди. Зеро, Хондамирнинг Бобур билан Ҳинд диёрида ўтказган дамлари ҳақидаги хотиралар ҳам биз учун жуда аҳамиятлидир.

— Бобурга яқин кишилар томонидан яратилган асарлар ҳақида гапирганда, «Тарихи Рашидий»ни эслаш ўринлидир. Зеро, аждодимиз ҳақида тўлиқроқ маълумот берувчи бу манбанинг қиймати бугун ҳам йўқолмаган...

— «Бобурнома»да қайд этилмаган воқеалар баёни (Бобурнинг 1511 йилда Бухоро ва Самарқандни олишидан то енгилиб Кобулга қайтишигача) «Тарихи Рашидий»да берилган. Унинг XV-XVI асрлардаги Марказий Осиё мамлакатларидаги тарихий воқеа-ҳодисалар, адабий-маданий, тарихий сиймолар ҳаёти ва фаолиятларини ёритишдаги аҳамияти ҳам беқиёс. «Тарихи Рашидий»га тўхталганимизда, бу қомусий асарнинг «Бобурнома»да ёзилиши лозим бўлган, аммо ёзилмаган воқеаларини аниқлаш, тўлдиришда Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» («Дўстлар таржимаи ҳоли») асарларидан кўпроқ маълумотлар берувчи ноёб манба эканини таъкидлаш лозим.

Мазкур асар муаллифи Мирзо Ҳайдар Бобурнинг холаваччаси бўлган. Қолаверса, Бобурнинг тарбиясини олган. «Тарихи Рашидий» асарини 1541-46 йилларда ёзган. «Бобурнома»нинг ўн йиллик қисми шу вақтга қадар бизга номаълум эди. Ундаги воқеаларни эса шу асар орқали тўлдириш мумкин.

— «Хатти Бобурий»ни оммага етказишдек савобли ишни амалга оширдингиз. Бу жараён қандай кечди?

— Хатти Бобурийни 2007 йилда топишга муваффақ бўлган эдик. Ўз даврида Бобур Мирзо ўғиллари билан шу алифбода хат ёзишган, Қуръони Каримни ушбу алифбода кўчиртириб, Маккага ҳам жўнатган. Аввало, алифбо тартиб бериш учун қанчалар чўнг ақл кераклигини ёдга олайлик. Қолаверса, бу ишни соғлиғи бироз панд бераётган, давлату дунё ташвиши бошида чарх уриб турган кишининг ихтиро этганини эсласак, Бобур даҳоси ҳақидаги фикрларимиз янада теранлашади. Мазкур алифбода кўчирилган Қуръони Карим Машҳаддаги Имом Ризо мажмуасида сақланмоқда. Ундан нусха сўраб мурожаат этганимизда, дастлаб бир варақ кўчириб беришди. Кейинчалик юртимизда сақланаётган Усмон мусҳафининг нусхаси эвазига тўлиқ вариантда беришлари мумкинлигини билдиришди. Хабарингиз бўлса керак, бу ноёб манба собиқ тузум даврида Эрмитажда сақланган ва уларда, табиийки, нусха сақланади. Россиядаги ҳамкоримиз В.Морозов орқали шу вариантни қўлга киритдик. Натижада хатти Бобурийда кўчирилган Қуръон нусхасини «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб музейимизга келтиришга муваффақ бўлдик.

— Фонд Бобур номидаги Миллий боғда фаолият юритмоқда. Табиийки, бу ерлар ободлигида ҳам ҳиссангиз бор...

— Андижон Буюк ипак йўлида жойлашган йирик шаҳарлардан бўлган. Шунинг учун боғнинг олди тарафига монумент ўрнатдик. Бу Буюк ипак йўли давомийлигини эслатиб туради.

Бобур боғини ҳам «Андижон маданий маркази» деб юритилиши ҳақида қарор қилдик. Чунки боғ дейилганда фақатгина кўнгил ёзадиган, ҳордиқ чиқариладиган маскан назарда тутилади. Бизнинг боғимиз ҳудудида эса «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб музейи, Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи музейи, обсерватория, маънавият маркази бор. Насиб этса, тил ўргатиш курслари, интернет кафелар очишни режалаштирмоқдамиз.

Боғ ўрнида эса Бобур боғдорчилик ва кўчат етиштириш боғи бўлади. Атрофни ободонлаштириш учун турли гул кўчатлари сотиб оламиз. Шуларни нега ўзимиз етиштирмаслигимиз керак? Ҳозирги кунда учта иссиқхонамиз бор. Улардан иккитаси лимонарий. Шу орқали ҳам даромад қиламиз. 25-30 гектар атрофида ўрикзоримиз бор. Бу ерга келганлар ҳам кўнгил ёзиб, ҳам дуо қилиб кетишса, Боғишамолнинг оромбахш ҳузурини кўнгилларига жойлашса, мақсадимизга етган бўламиз.

* * *

Суҳбатимиз сўнгида Зокиржон ака қуйидаги мисраларни ёдга олади:

Иван Васильевич — даҳшатли подшоҳ,
Ғазаби жунбушга келганда ногоҳ
Темир асо билан уриб ўғлини,
Фарзанд қони билан бўяб қўлини,
Ўзи даҳшат ичра лол қотди бир дам...

Роса ярим аср шундан муқаддам
Ўзга мамлакатда ўзга бир тождор—
Ул ҳам бехуш ётган ўғли узра зор
Кўкка қўл чўзганча чекарди фиғон:
"Менинг жонимни ол, эй парвардигор,
Аммо фарзандимни қолдиргин омон!»

Эркин Воҳидовнинг «Келажакка мактуб» шеърidan ўқилган ушбу парча Бобур Мирзо тўғрисидаги тасаввурларимизни тўлқинлантирди. Боғишамолнинг нафис эпкинлари буюк бобомиз ризолигини сўйлагандек бўлиб, деразаларга урилади. Шу ҳисни ҳар кун туйгувчи, умрини гўзал мақсадлар билан ўтказаётган, мақсади эса саодат соҳили бўлган замондошимизга ҳавас қилса арзийди.

Суҳбатдош: Дилдора РАҲМОНОВА

Эътироф

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида Марказий кўргазмалар залида ўтказилган кўргазмада «Энг моҳир созанда» номинацияси бўйича «Ўзбекистон — умумий уйимиз» IV Республика дўстлик ва маданият фестивалининг лауреати, Жиззах вилояти қирғиз миллий маданий маркази фаоли, оқин Эгам Абдиев тақдирланди.

— Элингда яхшинг бўлмаса,
Элга бошинг қўшилмас.
Юртда бошинг бўлмаса,
Юртга бошинг қўшилмас, — дейди қирғиз оқини Эгам Абдиев. — Ўзбекистондай бағрикенг юртда яшаётганим ва менга кўрсатилган ушбу эътибордан хурсандман. Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида умрим борича хизмат қиламан.

Дарҳақиқат, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари кўнглида ана шундай фахр ва ғурур мужассам.

Назира БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

Жавоҳирлар сандиғи

Сайёра АБДУЛЛАЕВА,
ЎзМУ талабаси

Давлат арбоби, саркарда, дилбар шоир, қомусий билимлар соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан бизга жуда катта маънавий мерос қолган. «Бобурнома»нинг ўзиёқ халқимиз тарихи, маданиятини акс эттирувчи улкан бир хазинадир.

Асарда турли ҳудудлар ва халқларнинг урф-одат, расм-русумлари ҳақида жуда кўп маълумотлар берилади. Масалан, Фарғона элининг қизиқ бир одати ҳақида тўхталади: «Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас». Шунингдек, Султон Аҳмад мирзонинг хотин ва канизаклари ҳақида гапира туриб, «Хонзодабегим Тирмиз хонзодаларидан эди. Мен Самарқандга беш ёшимда Султон Аҳмад мирзо қошига келган пайтда олган эдим. Ҳануз юз ёпуғи бор эди. Туркона расм билан менга буюрдилар, мен юзини очдим», дея қайд этади. Бу одат, яъни янги тушурилган келиннинг юзидаги пардани очиш бугунги кунимизгача сақланиб қолган бўлиб, Бобур Мирзо буни «туркона расм» дея баҳолайди.

«Бобурнома»да мўғулларнинг қизиқ удуми ҳақида ҳам айтиб ўтилади: «Баҳодирлик улуши мўғулларда қадимий расмдир. Ҳар уруш ва ҳарб маъракасида ҳар кимки элдан ўзиб қилич урган бўлса, улушни ўша олади. Шоҳрухияга борганда, тоғам Султон Маҳмудхоннинг намунали баҳодирлик улушини Сайид Қосим олди». Кўриниб турибдики, баҳодирлик ва мардлик ҳар бир замонда қадрланган.

Асарда урф-одатлар билан бирга жой номларига оид қизиқ маълумотлар келтирилади. Масалан, Қобулдаги Кўҳи Сафид тоғи ҳақида тўхталиб, бу тоғдан қор ҳаргиз аримаслиги сабабли одамлар Кўҳи Сафид, яъни «Оқ тоғ» дейишини айтади. Парвон йўли ҳақида гапира туриб, катта довон ва Парвон орасида яна 7 та довон борлиги учун Ҳафтбача — етти болали дейишларини қайд этади. Самарқандда Улуғбек Мирзо қурдирган масжидлардан бири — масжиди Муқаттаъ иншоотининг бундай номланиши сабабини бўлак-бўлак ёғочларни тарашлаб, ислимий ва хитойи нақшлар солингани, бутун деворлари ва шифтлари ушбу йўсинда нақшланганидан, дея изоҳлайди. Масжиди Лақлақа хусусида эса: «... унинг гумбази ўртасида ерни тепсалар бутун гумбаздан «лақлақ» товуши келади. Қизиқ ҳодисадир», дея фикр билдиради.

Бу каби мисолларни асардан жуда кўплаб топишимиз мумкин. Бобур ижоди шундай бир уммонки, тубида жавоҳирлар сандиғи яширинган.

«Буюк шоир ҳикматлари» муаммономаси

Аввало, қуйидаги мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган ўзбек мумтоз шоири, олими, саркарда, Темурийзода ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросига мансуб ҳикматлардаги калит сўзларни топинг.

I. Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илм йўқ,
Мен **9, 17, 6, 18, 10, 2** илм толиби, илм керак.

II. Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир,
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ **12, 1, 6, 16, 4, 13,**
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

III. Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутингиз,
Жамиятингиз борини давлат тутингиз.
Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун,
Бир-бирини неча **22, 3, 2, 4** ғанимат тутингиз.

IV. Хулқингни рост **15, 5, 16, 4, 11** ҳар сориғаки борсанг,
«Ахсанта» дер бори эл, гар яхши от чиқорсанг.
Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

V. Ҳусн аҳлиға зору мубтало кўз эрмиш,
Жоним била кўнглимга бало кўз эрмиш.
фаҳм айладим эмди, Бобур, **4, 21, 19** ичра,
Кўзумни қарортқон қаро кўз эрмиш.

VI. Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади оҳ,
Ғурбатда **23, 10, 20, 4, 2, 18, 1, 23** эмиш албатта киши.

VII. Оворалиқ асру хонумондин яхши,
Бир гўша манга икки **24, 1, 12, 17, 2, 7, 4, 2** яхши,
Оворалиқ бўлурни эрмас демагил,
Бўлсам агар овора не андин яхши.

VIII. 8, 11, 14, 17, 20 бирликларини бил, бу билимдир.

Энди шаклдаги рақамларни калит сўзлар жавобларидаги мос ҳарфлар билан алмаштириш орқали муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан буюк шоирнинг одоб ва меҳнатсеварлик борасидаги икки ҳикматини билиб олишга муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг 9 феврал сонидаги «Нодир асарлар» айланма кроссвордининг жавоблари:

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналиши бўйича: 1. «Мунозот». 2. Искандар. 3. Ширин. 4. «Навоий». 5. «Муфрадот». 6. Фоний. 7. Орланиб. 8. Мажнун. 9. «Арбаин». 10. Мирали. 11. Булбул. 12. «Муншаот». 13. «Абушқа». 14. Фарҳод. 15. «Айлагач». 16. Достон. 17. «Вақфия». 18. Дилором. 19. Лутфий. 20. Дуррож. 21. «Ҳилолия». 22. Аруз. 23. Рустам. 24. Баҳром. 25. Бари. 26. Низомий. 27. «Хамса». 28. Тафаккур. 29. Китоб. 30. «Топмадим». 31. Девон. 32. Ҳамроев.

«ҲИКМАТЛАРИ» МУАММОНОМАСИ

Калит сўзлар: 1. Бўлмас. 2. Махзанин. 3. Айла. Англа. 4. Зое. 5. Шевасини-6. Яна. 7. Гул.
Ҳикмат: Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл!

Insonga naf keltirish – oliy baxt
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Toshev
Navbatchi: S. Abdurahmonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21. 30

Buyurtma Г — 211

23314 nusxada bosildi

12345